

МЕҲНАТ БОЗОРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ФАНИ МЕТОДИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

ТДИУ Самарқанд филиалида кафедра мудири, PhD.

Элек. почта: ozodapardaeva@yahoo.com

Аннотация: мақолада фаннинг методлари, ҳар бир методнинг мазмуни, илмий изланишларни, амалга ошириш жараёнлари, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш, прогнозлаш ва мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш ва Меҳнат бозорининг ривожланиш босқичлари ёритилган.

Калит сўзлар: Таҳлилий метод, статистик метод, кузатиш методи, қиёсий метод, моделлаштириш, эмпирик метод, ижтимоий ва психологик тадқиқотлар, норматив метод, тарихий метод, кўрсаткичларни таҳлил қилиш, индустриализация давр.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ НАУЧНОГО МЕТОДА ТРАНСФОРМАЦИИ РЫНКА ТРУДА

Мамаюнус Каршибаевич Пардаев

Профессор Самаркандского института экономики и сервиса, д.э.н.

Севара Абдиназаровна Бабаназарова

Доцент Самаркандского института экономики и сервиса, PhD.

Озода Мамаюнусовна Пардаева

Заведующий кафедрой Самаркандского филиала ТДИУ, PhD.

Элек. почта: ozodapardaeva@yahoo.com

Аннотация: в статье описаны методы науки, содержание каждого метода, научные исследования, процессы реализации, анализа, прогнозирования и разработки целевых стратегий с учетом факторов, влияющих на изменения на рынке труда, а также этапов развития рынок труда.

Ключевые слова: Аналитический метод, статистический метод, метод наблюдения, сравнительный метод, моделирование, эмпирический метод, социально-психологические исследования, нормативный метод, исторический метод, анализ показателей, период индустриализации.

THEORETICAL ISSUES OF THE SCIENTIFIC METHOD
OF LABOR MARKET TRANSFORMATION

Mamayunus Karshibayech Pardaev

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service,

Doctor of Economics

Sevara Abdinazarovna Babanazarova

Associate Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, PhD.

Ozoda Mamayunusovna Pardaeva

Head of Department of the Samarkand branch of TDIU, PhD.

E-mail: ozodapardaeva@yahoo.com

Abstract: the article describes the methods of science, the content of each method, scientific research, processes of implementation, analysis, forecasting and development of target strategies taking into account the factors influencing changes in the labor market, as well as the stages of development of the labor market.

Keywords: Analytical method, statistical method, observation method, comparative method, modeling, empirical method, socio-psychological research, normative method, historical method, analysis of indicators, industrialization period.

Кириш мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда инсон ресурсларини бошқариш мутахассислигига “Меҳнат бозори трансформацияси” номли фан киритилган. Аммо ушбу фанининг методининг мазмуни етарли даражада очиб берилмаган. Ушбу ҳолат мавзунинг ўта долзарб муаммога бағишланганлигидан далолат бўлиб ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар бир фаннинг методи бўлади. Шунга асосан унинг мазмуни шаклланади ва ўрганилади. Умуман олганда фаннинг методи деганда ижодий ва амалий ишларни самарали ташкил этиш, муаммоларни ҳал қилиш ва янги ғоялар яратиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуаси тушунилади. Ушбу методлар аксарият ҳолда фан, педагогика, ижодий ишлар ва бизнес соҳаларида ҳам фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан ушбу тушунча ҳам кенг қамровли бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда ҳар қандай фаннинг методлари шу фанни ўрганиш ва унинг усулларини амалга оширишга хизмат қилади. Буларнинг айримлари сифатида қуйидагиларни мисол келтириш мумкин. Жумладан, лаборатория тадқиқотлари орқали тажриба ва экспериментлар олиб борилади. Бунга асосан ҳодиса ва жараёнлар ва назариялар текширилади. Мутахассислар билан суҳбатлашиш, улардан билим ва тажриба ўрганиш ҳам ушбу масаланинг таркибига киритиш мумкин. Шунингдек, реал ҳаётдаги муаммоларни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш

учун аниқ ҳолатларни ўрганиш ва булар асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш масаласи ҳам шу фаннинг методининг шаклланишига асос бўлади..

Меҳнат бозори трансформацияси фанининг методи кўп тартибли ва кўплик нуқтаи назардан ёндашувларни ўз ичига олиб, меҳнат бозоридаги ўзгаришларга таъсир қилувчи омилларни инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш, прогнозлаш ва мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш учун қўлланилади. Фаннинг асосий методлари қуйидагиларни қамраб олади:

1. Таҳлилий метод.
2. Статистик метод.
3. Кузатиш методи.
4. Қиёсий метод.
5. Моделлаштириш.
6. Кўрсаткичларни таҳлил қилиш.
7. Эмпирик метод.
8. Ижтимоий ва психологик тадқиқотлар.
9. Норматив метод.
10. Тарихий метод.

Фаннинг методлари илмий изланишларни, билимларга эришиш ва уларни амалга ошириш жараёнларини самарали ташкил этишга ёрдам беради. Шу туфайли ушбу методларнинг қисқача мазмунига эътиборни қаратамиз.

Биринчи усул – таҳлил методлар. Бунда меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф, ишсизлик даражаси, меҳнат ҳақи каби кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш учун қўлланилади. Ушбу метод ёрдамида бозорнинг қандай ўзгараётгани ва келажакда қандай бўлиши мумкинлигини маълумотлар асосида ўрганиш мумкин. Меҳнат бозори ҳақидаги статистик маълумотлар ва маълумотлар базасини таҳлил қилиш орқали меҳнатга бўлган талабни қондириш билан бирга, ишсизликни бартараф қилиш йўллари, меҳнат шароитлари ва бошқа муаммоларни аниқлаш учун фойдаланилади. Ўрганиш жараёнида **трендлар таҳлилидан** ҳам фойдаланилади. Бунда узок муддат давомида ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш кўзда тутилган. Бунга мисол қилиб, мавжуд технологик ўзгаришлар ва демографик ўзгаришларни олиш мумкин.

Иккинчи усул - статистик метод бўлиб, бунда меҳнат бозоридаги ўзгаришларни рақамлар ва фактлар орқали статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш учун асос бўлади. Масалан, иш билан банд кишилар сони, иш ҳақлари, ишсизлик даражаси, қанча иш ўрни яратилганлиги, қанча мутахассис кераклиги, қанча ортиқча иш кучи мавжудлиги каби маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилинади. Шу усулдан фойдаланиб, меҳнат бозорининг бир қанча йилларга ўзгариш динамикаси, келажак учун қатор йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ҳам аниқланади. Ушбу усулда жуда кўп

ўлчов бирликларидан (сон, сўм, вақт бирлиги, одамлар сони, масофа узунлиги ва ҳ.к.) ҳам фойдаланади.

Учинчи усул – кузатиш методлари орқали меҳнат бозоридаги реал ҳолатларни, иш жойларини ва ходимларнинг ҳаракатларини бевосита кузатиш мумкин. Бу метод янгиликлар ва амалиётларни ўрганишга ёрдам беради. Кузатиш доимий равишда давом этса, мазкур объектда қандай ўзгаришлар юз бераётганлиги хусусида аниқ хулосаларга келинади. Кузатиш методида статистикада қайд этилмайдиган маълумотларни ҳам таҳлил қилишга тўғри келади. Бундай ҳолатда аҳоли ўртасида ва бошқа гуруҳларда **сўровномалар** ўтказиб, одамларнинг фикрларини **интервьюлар** орқали ҳам аниқлаш мумкин. Хуллас, иш берувчилар ва ишловчилар билан интервьюлар ва сўровномалар ўтказиш, уларнинг фикрлари ва тажрибаларини тўплаш орқали ҳам кузатиш методини амалга ошириш мумкин.

Тўртинчи усул – қиёсий метод бўлиб, бунда турли субъектлар, ҳатто мамлакатлар, ҳудудлар ёки даврлар бўйича меҳнат бозоридаги ўзгариш ҳолатлари таққосланади. Бу метод ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги меҳнат бозорлари ўртасидаги фарқларни аниқлашга ҳам ёрдам беради. Чунки қиёслаш орқали ўзининг ўтмишига нисбатан қандай ўзгарганлигини, бошқа субъектлар билан солиштирганда қандай аҳволдалигига аниқ таъхис қўйиш мумкин. Бу усул билан ҳам керакли маълумотлар тўпланиб, ҳолатни ўнглаш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

Бешинчи усул – моделлаштириш методи бўлиб ҳисобланади. Меҳнат бозоридаги ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш учун математик ва иқтисодий моделлар тузилади. Ушбу метод келажакдаги ўзгаришларни тахмин қилишда ва давлат сиёсатига доир қарорлар қабул қилишда кенг қўлланилади. Моделлаштириш деганда, мавжуд объектни, тизим ёки жараёнларнинг аниқ таъсирини баҳолаш ва тушуниш мақсадида унинг моделини яратиш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилади. Моделлаштиришда кўпинча физика, математика, география каби фанларда кўп қўлланилади.

Ҳозирги шароитда меҳнат бозорининг **иқтисодий моделларини** ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларига ҳам тегишли тарзда аҳамият берилмоқда. Бу моделлар иқтисодий ўзгаришлар ва технологик иновациялар таъсирини ҳисобга олиши учун қулоғ дастгоҳ ҳисобланади. Чунки бундай моделлар аслидаги объектларнинг хусусиятлари, уларнинг ўзаро таъсири ва вақт ўтиши билан қандай ўзгаришлар содир бўлишини тадқиқ қилиш имконини беради. Моделлаштириш кўплаб соҳаларда, шу жумладан муҳандислик, иқтисодиёт, физика, биология ва ижтимоий фанларда ҳам қўлланилади.

Ҳар қандай жараёнларни моделлаштириш орқали унинг асосий мақсадлари ҳам шаклланади. Бу жараённи ёки объектни кўрсатишда унинг ҳолатини тушунарли ва аниқ тасвирини шакллантиришда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири зарур миқдорни аввалдан ҳисоблаб, турли сценарийларни тузиб, уни таҳлил қилиш имкониятини ҳам яратиш мумкин. Моделдан фойдаланиб хулоса чиқариш орқали олинган натижалар асосида қарор қабул қилиш ёки келажакда эришилиши мумкин бўлган кўрсаткичларнинг прогнозларини яратиш имконияти ҳам туғилади.

Умуман олганда моделлаштириш турли жараёнларни баҳолашни соддалаштириш, таҳлил қилиш ва оптимал қарорларни қабул қилишга ёрдам беради. Шу йўл билан меҳнат бозорининг келажаги ҳақида прогнозлар бериш учун статистик ва иқтисодий моделлардан ҳам фойдаланиш лозим бўлади. Хуллас моделлаштириш таркибида иқтисодий моделлар ҳам прогнозлаштириш сингари ўз ўрнига эга бўлиб улгурди.

Олтинчи усул – МБТни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишга бағишланган. Бунда асосан иқтисодий кўрсаткичларга эътибор қаратилади. Одатда, меҳнат бозоридаги иқтисодий кўрсаткичларга (иш ҳақи миқдори, ишсизлик даражаси, иш ҳақига солинадиган солиқлар, меҳнат унумдорлиги, самарадорликни рағбатлантириш даражаси кабилар) кирадиган кўрсаткичлар ҳам чуқур таҳлил қилиш. Бундан ташқари, касбий кўрсаткичлар ҳам ўрганилади. Бунда касбий кўникмалар, малакалар, маълумотлилик даражаси, таълим даражалари каби кўрсаткичлар ҳам таҳлил қилинади. Меҳнат бозорини трансформация қилинишини ифодаловчи кўрсаткичларга юқорида келтирилган кўрсаткичлар билан бирга унинг прогнозини, таркибий тузилишларини, ўзгариш миқдорларини ҳам таҳлил қилинади. Булардан ташқари шу кўрсаткичларга таъсир этувчи омиллар ҳам аниқланиб, тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Еттинчи усул – эмпирик метод бўлиб, бу реал ҳаётда меҳнат бозорини кузатиш ва ўрганиш асосида маълумотлар йиғишни ўз ичига олади. Бу методнинг қўлланилишига мисол тариқасида ишчилар ва иш берувчилар билан сўровлар ўтказиш орқали меҳнат бозоридаги тенденцияларни ўрганиш мумкин.

Эмприк метод бевосита билим олиш ва техникаларни амалда тадқиқ этишга асосланган усулдир. У илмий тадқиқотларда, психологик ва ижтимоий фанларда, шунингдек, табиатшуносликда ҳам қўлланилади. Чунки ушбу эмприк методнинг асосий хусусиятлари кенг қиррали бўлиб, жуда кенг тармоқларни ва жараёнларни қамраб олади.

Эмприк методнинг асосий жиҳатларидан бири — мустақил ва назорат қилинган тажрибалар, ёки кузатувлар орқали маълумот йиғиш билан боғлиқдир. Ушбу усул маълум бир жараённи, хулқ-атворни ёки табиатни ўрганишда

фойдаланилади. Худди шунингдек меҳнат бозоридаги тенденцияларни ўрганиш асосида хулосалар чиқарилади, бу хулосалар амалдаги маълумотларга ёки тажрибаларга асосланган ҳолда қиёсланади.

Эмприк метод натижалари олинган маълумотларни асосан аниқ, реал ва ишончли маълумотларга қиёслаш орқали ва улардан тегишли халоса чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Бу ижтимоий жараёнларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан муфассал ўрганишга ёрдам беради.

Саккизинчи усул – ижтимоий ва психологик тадқиқотлар. Ижтимоий тадқиқотлар инсонларнинг меҳнат бозоридаги ижтимоий ҳаётини, муносабатларини, жамиятдаги таркибий тузулишларини ва меҳнатга мослашувларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни қамраб олади. Бу тадқиқотлар инсонлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий тармоқлар, маданий анъаналар, иқтисодий жараёнлар, сиёсий структуралар, ижтимоий муаммолар ва уларнинг ечими бўйича маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Меҳнат бозоридаги ижтимоий тадқиқотларнинг асосий мақсадлари инсонларнинг ижтимоий жамиятдаги ҳуққлари ва ўзаро алоқаларни ўрганиш билан бирга ижтимоий муаммоларни аниқлаш, жумладан, адолатсизлик, камбағаллик ва шунга ўхшаш масалалар ҳам таҳлил қилинади. Бунда инсонлар ва жамият ўртасидаги рўй берётган ўзгаришлар ва тенденциялар билан биргаликда ушбу соҳадаги ижтимоий тадқиқотлар натижалари ҳам инобатга олинади. Буларнинг таркибига таълим, мутахассисликлар, иқтисодиёт, психологик ва маданий соҳалардаги муҳим йўналишлар ҳам киради.

Ижтимоий тадқиқотларда меҳнат бозорига дахлдор бўлган ижтимоий омиллар ва ижтимоий ўзгаришларни ҳам тадқиқ қилинади. Ушбу йўналишда психологик тадқиқотлар ҳам мавжуд. Бу бевосита ишчиларнинг мотивацияси, ижтимоий ҳолатлари ва иш муҳитига оид психологик ҳолатларни қамраб олади.

Тўққизинчи усул - норматив методни ўз ичига олади. Ушбу усулда давлат сиёсатининг меҳнат бозорига таъсири ўрганилади. Бу метод давлат томонидан қўлланилаётган қонунчилик, солиқлар, имтиёзлар ва меҳнат қонунчилигини ўрганишда ишлатилади. Бунга асосан сиёсий стратегияларни ҳам ишлаб чиқиш имконияти яратилади. Меҳнат бозорини ривожлантиришга оид сиёсатларни ишлаб чиқи билан бирга уларнинг самарадорлигини ҳам баҳолаш имконияти яратилади. Бу метод соҳага оид сиёсатнинг реал ҳолатга мослигини текшириш учун ҳам қўлланилади. Меҳнат бозори трансформациясига мос келадиган стратегияларини ишлаб чиқиш масаласи ҳам ҳаммиша долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўнинчи усул –тарихий метод бўлиб, бунда меҳнат бозорининг тарихий ривожланиш босқичлари ўрганилади. Бу метод орқали меҳнат бозоридаги ўзгаришларнинг тарихий сабаблари ва уларнинг бугунги кунга таъсирини

ўрганиш билан келажакдаги бўладиган ҳолатга ҳам ташхис қўйиш имконияти яратилади.

Меҳнат бозори тарихан бир қанча босқичларга бўлиниб, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Ушбу босқичларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, **андозавий босқич** (Эски замон)даги шаклланиш даври. Ушбу даврда меҳнат одамлар орасидаги табиий ресурсларга ва жамиятнинг аграр фаолиятига асосланган. Меҳнат асосан ўз-ўзини таъминлаш мақсадида амалга оширилган. Ўшанда оилавий бизнес ва ҳунармандчилик шаклланиб ривожланишни бошлаган.

Иккинчи давр **индустриализация даври** бўлиб, бу 19-аср охири - 20-аср бошларини қамраб олади. Ушбу индустриал инқилоб вақтида механизациялаштириш ва фабрикаларнинг пайдо бўлиши билан меҳнат бозорида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Меҳнаткашлар шаҳарларга кўчиб, заводларда ишлашни бошладилар. Бу даврда меҳнатнинг синфлашуви ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалар ҳам пайдо бўлди.

Учинчи давр **постиндустриал босқичи** бўлиб, бу 20-аср ўрталаридан бошланади. Бунда инновацион технологияларнинг ривожланиши, хусусан, компьютерлар ва автоматлаштиришнинг пайдо бўлиши билан хизмат кўрсатиш секторининг аҳамияти ҳам мунтазам ошиб боради. Ушбу даврда меҳнат бозорида янги касблар яратилди, шунингдек, ҳаракатлар ва глобализация натижасида жаҳон меҳнат бозорига кириб борди.

Тўртинчи давр **глобаллашиш даври** бўлиб, бу 21-асрни ўз ичига олади. Бунда асосий узвийлик, маълумот, маҳсулот ва ишчи кучининг глобал алмашинуви содир бўлмоқда. Меҳнат бозоридаги интернационаллашиш турли давлатлар орасида ишчи кучининг миграциясининг кенгайишига ҳам олиб келди. Инсонларда яратувчанлик (новаторлик) ва ҳамкорлик, гибрид меҳнат шакллари пайдо бўлди.

Бешинчи давр **карантиндан кейинги давр** деб алоҳида аталмоқда. Бу давр 2020-йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бунда COVID-19 инфекцияси глобал меҳнат бозорини катта ўзгаришларга олиб келди. Дистанцион ишлаш, масофавий (онлайн) хизматлар, автоматлаштириш ва рақамли технологиялар жадал ривожланди. Иш берувчилар ва ишчилар меҳнат шартномалари, ижтимоий ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш масалаларига янада катта эътибор қаратилди.

Ушбу босқичлар меҳнат бозорининг ривожланишини шунингдек, унинг глобал ва маҳаллий шароитларга мослашувчанлигини ҳам тезлаштириш имкониятини яратди. Тарихий метод натижасида меҳнат бозорининг турли

шакллари ўзгаришларга рағбатлантирадиган вазиятларни вужудга келтириш билан бирга бунинг турли вазиятларга мослашувчанлигини ҳам шакллантирди.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат бозори трансформацияси фанининг методлари меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ўрганиш, тушуниш ва унга мослашиш учун комплекс ёндашувни таъминлайди. Бу методлар меҳнат бозоридаги муаммоларни аниқлаш, ушбу ҳолатни ўнглашга қаратилган самарали сиёсатларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий, иқтисодий ва технологик ўзгаришларга мослашишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қудратов, Ғ.Ҳ., Пардаев, М.Қ. and Абдукаримов, Б.А., 2007. Сервис ривожига аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. Т.:«Fan va texnologiya», 28.
2. Пардаев, М.Қ., Мамасоатов, Т.Х. and Пардаев, О.М., 2014. Модернизация, диверсификация ва инновация–иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. Т.: Наврўз, 39.
3. Пардаев М.К., Бабаназарова С.А. СОСТОЯНИЕ РАЗВИТИЯ ОБРАЗОВАНИЯ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НА МЕЖДУНАРОДНОМ УРОВНЕ // TJE-Tematics journal of Education ISSN. – 2021. – С. 2249-9822.
4. Пардаев, М. и Бабаназарова, С., 2020. Наука спасает мир. Газета XXI-CENTURY .
5. Бабаназарова Севара и Шарофиддинов Джахонгир (2022) «Изучение статистики населения (на примере статистики населения Узбекистана)», Индонезийский журнал инновационных исследований , 18. doi: 10.21070/ijins.v18i.663.
6. Кудбиев Ш.Д. Рақамли иқтисодиёт ривожланишида меҳнат бозорини трансформациялашнинг методологик асосларини такомиллаштириш, 08.00.10 – Демография. Меҳнат иқтисодиёти (иқтисодиёт фанлари). фан доктори (ДСс) диссертацияси.